Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 5 июль, № 136 (9307) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ ВА ОДАМЛАРНИНГ ЎЗ ҲАЁТИДАН РОЗИ ЯШАШИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Тошкент шаҳрининг Сергели туманига ташриф буюриб, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва амалга оширилган лойиҳалар билан танишди. Шунингдек, Тошкент шаҳри, хусусан, Сергели туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб туманнинг Иттифоқ маҳалласидаги Янги Сергели кўчасида амалга оширилган ишлар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти билан танишди.

Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси кам харажат билан кўп иш ўрни яратиш, аҳоли даромадини ошириш ва ҳудудлар қиёфасини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Тошкент шаҳрида бу борада катта имкониятлар бор.

Янги Сергели кўчасида ташкил этилган 7/24 тартибида ишлайдиган туризм, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари аҳолига қулай шароит яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари очишга хизмат қилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 18,7 миллиард сўмни ташкил этади. Кўчанинг 2,1 километр қисмининг инфратузилмаси тўлиқ яхшиланиб, савдо, умумий овқатланиш ва кўнгилочар хизматларни ўз ичига олган куну тун фаолият юритадиган ҳудудга айлантирилди.

Аҳоли дам олиши ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 дан ортиқ болалар майдончалари, 8 та воркаут зонаси, китоб дўкони ҳамда нуронийлар маскани ташкил этилди.

Ҳудуд атрофидаги 4 та маҳаллада 21 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Янги Сергели кўчасидан кунига ўртача 15 — 20 мингта автотранспорт воситаси ҳаракатланади. Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, йилига 1,2 миллиондан ортиқ ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Лойиҳа доирасида 250 дан ортиқ янги иш ўринлари очилди. 95 та мавжуд тадбиркорлик субъектининг фаолияти кенгайтирилиб, 22 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла бўйлаб юриб, миллий меъморий услубда таъмирланган хонадонлар, ободонлаштирилган кўчалар ва аҳоли учун яратилган қулайликлар билан танишди. Маҳалла фаоллари ва фуқаролар билан самимий мулоқот қилди.

Президентимиз амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига қандай таъсир кўрсатаётгани билан қизиқди. Маҳалла фаоллари бу ўзгаришлар аҳоли кайфияти, турмуш тарзи ва даромадига ижобий таъсир кўрсатаётганини, ҳудуднинг қиёфаси ҳам, одамларнинг эртанги кунга ишончи ҳам ўзгараётганини таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сергели туманида жойлашган “Global International Hospital” хусусий кўп тармоқли тиббиёт марказига борди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлар сифати ва қамровини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Шу мақсадда соҳага инвестициялар жалб этилиб, тиббиётда хусусий сектор фаолияти ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Мазкур замонавий тиббиёт маркази бугунги кунда аҳолига талаб юқори бўлган кўплаб йўналишлар бўйича тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Марказни барпо этиш учун 30 миллион доллар инвестиция йўналтирилган. Бу ерда йилига 150 минг нафардан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Умумий майдони 0,5 гектар бўлган муассасада йиллик хизматлар ҳажмини 15 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига марказ фаолияти тўғрисида тақдимот қилинди. Президентимиз жарроҳлик, реанимация ва даволаш бўлимлари, ситуацион марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Лойиҳа доирасида 250 та янги иш ўрни яратилган. Жамоада хорижда малака оширган 10 нафардан зиёд юқори малакали мутахассис ва чет эллик шифокорлар ҳам бор.

Марказ Буюк Британия, Италия ва Германиядан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Хусусан, муассасага “PHILIPS” компаниясининг илғор тиббий технологиялари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари марказни айрим йўналишлар бўйича таянч тиббиёт муассасасига айлантириш муҳимлигини таъкидлади. Бу ерда тўпланадиган илғор тажриба асосида шифокорлар малакасини ошириш ва замонавий тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Президентимиз марказ ходимлари билан мулоқот қилди. Соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, хусусий тиббиёт ташкилотлари сонини кўпайтириш ҳамда аҳолига сифатли, замонавий ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳар бир беморга сифатли ва муносиб хизмат кўрсатиш билан бирга, тиббий ва туризм хизматларини уйғунлаштириш зарур. Бу йўналишни кенг тарғиб қилиш, хориж тажрибасини ўрганиб, шифохоналар ҳузурида меҳмонхона инфратузилмасини ривожлантириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Сергели туманидаги Ўзгариш маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳамда ер усти метро йўналиши остида ташкил этилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти билан ҳам танишди.

Инсон қадрини улуғлаш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар бугун маҳаллалар қиёфасида, одамларнинг кундалик ҳаётида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзгариш маҳалласи бу борадаги янгиланишларнинг ёрқин намунасидир. Ушбу ҳудудда 45 та кўп қаватли уй, 1 минг 620 та хонадон мавжуд. Уларда 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Маҳаллада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб, замонавий инфратузилма ва қулай ижтимоий муҳит яратилди. Хусусан, 10 та болалар майдончаси, минифутбол майдони, 2 та саломатлик ҳудуди барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ҲАЙРАТ УЙҒОТАЁТГАН ҚАДАМЖОЛАР

Аввал хабар берганимиздек, Индонезия Республикаси Халқ маслаҳати кенгаши Раиси Аҳмад Музани бошчилигидаги парламент делегацияси мамлакатимизда бўлиб турибди.

Зиёрат

Ташриф доирасида меҳмонлар Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги тарихий-маданий обидалар ҳамда муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди.

Бухорода делегация аъзолари Баҳоуддин Нақшбанд, Пойи Калон мажмуалари ҳамда Лаби Ҳовуз ансамбли ва қадимий ҳунармандчилик расталари билан танишди. Меҳмонларга ушбу тарихий обидалар, уларни асраб-авайлаш ҳамда қайта тиклаш бўйича амалга оширилган ишлар, шунингдек, миллий ҳунармандчилик анъаналари ҳақида маълумот берилди.

Ахмад Музани Бухоронинг бой тарихий-маданий мероси, меъморий ёдгорликлари асл қиёфасида сақлаб қолинганини юқори баҳолаб, шариф шаҳарнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Делегация Самарқанд шаҳридаги тарихий ва маданий мерос объектлари билан ҳам танишди. Мамлакатимизда тарихий обидаларни асраб-авайлаш, миллий меросни кенг тарғиб қилиш ва туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Шунингдек, меҳмонлар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига ташриф буюриб, марказ фаолияти билан танишди ҳамда вилоят диний уламолари билан учрашув ўтказди. Унда маънавий-маърифий ҳамкорлик ва бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАРАҚҚИЁТГА КУЧ БАҒИШЛАЁТГАН ДИПЛОМАТИЯ

Евроосиё маконида ҳамкорликнинг янги архитектурасини шакллантиришда муҳим омиллардан бирига айланмоқда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2-3 июль кунлари Грузияга давлат ташрифи натижаларини хорижлик экспертлар икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш нуқтаи назаридан юксак баҳоламоқда.

Дунё нигоҳи

Карлос Уриарте САНЧЕС, Испаниядаги Умумевропа иттифоқи президенти, профессор:

— Ўзбекистон Президентининг Грузияга ташрифи нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бутун Евроосиё маконида ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай даражадаги давлат ташрифи ўзаро ишонч, очиқ мулоқотга интилиш ва узоқ муддатли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрликни намоён қилади.

Грузия раҳбариятининг Ўзбекистон Президентини олий давлат мукофоти — “Олтин мўйна” ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги қарори таҳсинга сазовор.

2

ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Грузия Республикасининг олий давлат мукофотларидан бири — “Олтин мўйна” ордени билан тақдирлангани нафақат давлатимиз раҳбари фаолиятининг, балки кейинги йилларда Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдонда юритаётган очиқ, прагматик ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсатининг юксак эътирофидир.

Муносабат

Халқаро муносабатларда давлатнинг энг олий мукофотини хорижий давлат раҳбарига топшириш ўзаро ишончнинг энг юқори даражаси, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга берилган стратегик сиёсий баҳо ва келгусидаги ҳамкорлик истиқболларига қатъий ишонч ифодаси ҳисобланади. Шу маънода, Президентимизга “Олтин мўйна” орденининг топширилиши Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганини англатади.

Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз ташқи сиёсатида мутлақо янги дипломатик муҳит шаклланди. Давлатимиз халқаро муносабатларда ўзаро ҳурмат ва манфаатлар мувозанатига асосланган ҳамкорликни устувор тамойил сифатида илгари сурмоқда. Бу ёндашув нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ, Европа, Яқин Шарқ ва Осиё давлатлари билан муносабатларда ҳам ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

3

ҚАЛБИМИЗНИ НУРЛАНТИРГАН ХУШХАБАР

— Дадаси, суюнчи беринг, ҳовлимизга келаётган бадбўй ҳидни йўқотишаркан.

Шошиб уйга кирдим, ҳамманинг кўзи телевизорда.

Президентимиз Сергели туманига ташрифи давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида Сергели ва Янгиҳаёт туманлари аҳолисини қийнаб келаётган сув тозалаш иншооти атрофидаги бадбўй ҳид масаласига эътибор қаратди. Мутасаддиларга 1 сентябргача оқова сув қабул қилиш иншоотига замонавий фильтрлаш ускуналарини ўрнатиб, мазкур муаммони бартараф этишни топширди.

Дил сўзи

Қалбимизни нурлантирган хушхабар бир зумда бутун маҳаллада овоза бўлди. Бир-бирини табриклаганлар қанча денг.

Аслида, ҳудудда одамлар саломатлигига, кайфиятига салбий таъсир кўрсатиб келаётган бу муаммо кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ. Айтишларича, атрофга бадбўй таратиб, аҳолини безовта қилаётган ва жами 93 гектар ерни эгаллаган “Салар” тўйинтириш иншоотининг иш бошлаганига 60 йилдан ошган. Йиллар ўтиб пойтахт кенгайиб борди ва шаҳар четида турган корхона ичкарида қолиб кетди. Юзлаб кўп қаватли уйлар бунёд этилди, аммо кунига пойтахтдан чиқиб келаётган 900 минг куб метрга яқин оқова сувни тозаловчи иншоотда кўп нарса ўзгаргани йўқ.

Бу ҳақда ўтган йили “Халқ сўзи” газетасида таҳлилий мақола чоп этилганди. Уни ўқиб, қалбимизда умид уйғонганди. Бироқ кунлар, ойлар ўтса-да, бирор ўзгариш бўлмади. Таҳририятдан суриштирдикки, ижодкорлар мавжуд муаммони бартараф этишни сўраб тегишли идораларга хат ҳам юборишибди. Афсус, мутасаддилар уни ҳам эътиборсиз қолдиришди. Кейинчалик газетада тегишли идораларнинг масъулиятсизлиги ҳақида ҳам ёзиб чиқишди. Аммо аҳолининг дарду ташвиши, журналистларнинг жонкуярлиги елга учганича қолаверди.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 июль

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ ВА ОДАМЛАРНИНГ ЎЗ ҲАЁТИДАН РОЗИ ЯШАШИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари маҳаллада ташкил этилган замонавий когенерация маркази фаолияти билан ҳам танишди.

Қайд этилганидек, ушбу марказ кузқиш мавсумида маҳалланинг иссиқлик ва электр энергияси таъминоти барқарорлигига хизмат қилади. Когенерация технологияси орқали табиий газдан аввал электр энергияси олинади, сўнг ажралган иссиқлик сув ва хонадонларни иситишга йўналтирилади. Бу энергия самарадорлигини ошириб, исрофгарчиликни камайтиради.

Лойиҳанинг умумий қиймати 5,8 миллион долларни ташкил этади. Бу ерга Германияда ишлаб чиқарилган замонавий газ-поршенли қурилмалар ва қозонлар ўрнатилган. Марказ йилига 18,4 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 80 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш имконига эга.

Лойиҳа доирасида 2 километр узунликдаги юқори кучланишли электр линияси қурилиб, умумий тармоққа уланди. Натижада туман марказий электр тармоғидаги юклама 3 фоизга камайди. Марказ ишга тушиши билан 10 та доимий иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, маҳалланинг умумий инфратузилмаси ҳам тубдан янгиланди. 1,4 километр пиёдалар йўлаклари барпо этилди, 12 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми таъмирланди, ички йўлларга асфальт ётқизилди. Ҳудудни кўкаламзорлаштириш мақсадида 2 минг 720 туп манзарали дарахт ва бута кўчати экилди.

Президентимиз “маҳалла еттилиги” ва ҳудуд фаоллари билан самимий суҳбатлашди. Бу ердаги ўзгаришлар аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, маҳаллани обод ва хавфсиз масканга айлантиришга қаратилган ишлар натижаси экани таъкидланди.

— Кенг кўламли бунёдкорлик ишларимиз айнан мана шу Сергели туманидан бошланган эди. Ўз вақтида бу ҳудудга замонавий метро линиясини олиб келиш ташаббусини илгари сурганимизда, ушбу йирик лойиҳанинг истиқболига шубҳа билан қараганлар ҳам бўлгани сир эмас.

Бироқ бугун мана шундай кўркам ва обод масканларни, энг муҳими, сиз каби азиз юртдошларимизнинг мамнун чеҳраларини кўриб, танлаган йўлимиз қанчалик тўғри бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Бугунги ташрифимиздан мақсад ҳам сизлар билан бевосита мулоқот қилиш, таклиф ва ташаббусларингизни тинглашдир, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари йўл-йўлакай Сергели туманидан ўтувчи ер усти метро йўналиши остида ташкил этилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини кўздан кечирди.

Замонавий шаҳарсозликда мавжуд инфратузилмадан оқилона фойдаланиш, бўш майдонларни аҳоли учун қулай, иқтисодиёт учун самарали масканларга айлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ер усти метро йўли остидаги 5,7 гектар майдон тубдан янгиланди.

Бу ерда 137 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 250 та янги иш ўрни яратилди. Метро остида 4 километр пиёдалар ва велосипед йўлаги, 2 та болалар майдончаси ва спорт зоналари ташкил қилинди. Аҳоли ҳордиқ чиқариши учун 100 та ўриндиқ ва 40 та замонавий манзарали чироқ ўрнатилди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сергели тумани ҳокимлигига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарига дастлаб ҳокимлик биносида туман идораларининг “ягона дарча” тамойили асосида ташкил этилган фаолияти ҳақида маълумот берилди. Туман ҳокимлиги биносида ҳокимликдан ташқари яна 5 та ташкилот фаолият юритиб, улар томонидан аҳоли ва тадбиркорларга 30 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, Ички ишлар вазирлигига онлайн мурожаат қилиш қурилмаси аҳоли учун анча енгилликлар яратади. Ушбу тизимдан мурожаат йўлланганда навбатчи инспектор видеоалоқа орқали мурожаат қилувчи билан боғланади. Мурожаат автоматик рўйхатга олинади. Мурожаатчи иш натижаси, инспектор муомаласи, ҳаракати ҳақида ўзининг баҳосини қўяди.

Давлатимиз раҳбари бундай “ақлли” қурилмаларни аҳоли гавжум жойлар, бозор ва бошқа объектларга кўпроқ ўрнатиш бўйича топшириқ берди.

Ҳокимликда вазиятлар маркази ташкил этилган. Сунъий интеллект асосида таҳлил қилиш, муаммоларни тезкор аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “Ақлли туман” платформаси ишга туширилган. Вазиятлар марказида 17 та ахборот тизими ўзаро боғланган аҳоли билан ишлашни янги босқичга олиб чиқади.

Бу ерда ижтимоий ва коммунал муаммолар мониторинг қилинади, аҳоли мурожаатларининг ижроси назоратга олинади, фавқулодда ҳолатларда тегишли хизматлар фаолияти тезкор бошқарилади ва мувофиқлаштирилади.

Вазиятлар марказини ишга тушириш доирасида туманнинг 46 маҳалласи билан видеоконференцалоқа йўлга қўйилган ва марказ билан интеграция қилинган. Шунингдек, тумандаги 25 мактаб вазиятлар марказига интеграция қилинмоқда.

Платформа таркибидаги “Хавфсиз туман” тизими ҳуқуқбузарликларни мониторинг қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъектларининг рақамли харитаси сунъий интеллект таҳлили асосида солиқ тушумларини прогноз қилиш ва уларнинг йиғилувчанлигини таъминлашга қаратилган. “AI Davomat” тизими эса мактабларда сабабсиз дарс қолдириш ҳолатларини бартараф этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз вазиятлар маркази фаолияти билан танишиб, ушбу янги тизимни пойтахтнинг қолган туманларида ҳам жорий этишга топшириқ берди. Тошкент шаҳрида таълим тизими, қурилиш соҳасини рақамлаштириш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Шу ерда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳри, хусусан, Сергели туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Сергели туманида катта ўзгаришлар амалга ошганини таъкидлади. Яқин-яқингача пойтахтнинг чекка ҳудуди ҳисобланган Сергелида аҳоли ишлаш, даромад топиш, дам олиш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш учун, асосан, шаҳар марказига боришга мажбур эди.

Бугун эса туманда муҳит ва одамларнинг яшаш тарзи тубдан ўзгарди. Сўнгги ўн йилда бу ерда 30 минг хонадонли янги уй-жойлар, умумий майдони 2 миллион квадрат метр бўлган саноат, савдо ва сервис объектлари барпо қилинди.

Тадбиркорлар сони 2,5 мингтадан 6 минг 200 тага кўпайди. Туманда шакллланган бюджет тушумлари 382 миллиард сўмдан 2 триллион 200 миллиард сўмга, яъни 5,5 баробар ошди. Аҳоли учун 5 та йирик дам олиш маскани ва истироҳат боғлари ишга туширилди.

Тошкент вилоятидан ўтган 13 та маҳалла ҳисобидан Сергели тумани ҳудуди 1 минг 800 гектарга кенгайиб, жами 5,6 минг гектарга етди. Туманни бошқа ҳудудлар ва шаҳар маркази билан боғлайдиган 9 километрлик йўл, 8 та станциядан иборат янги метро линияси бунёд этилди.

Мактаб ўринлари 25 мингдан 38,5 мингга, боғча ўринлари 7,5 мингдан 15,5 мингга кўпайди. 50 та давлат ва хусусий клиника очилди.

Шу билан бирга, транспорт, йўл, электр, сув ва канализация каби инфратузилма тармоқларини яхшилаш бўйича ечимини кутаётган масалалар ҳали кўплиги таъкидланди.

Аҳолини хатловдан ўтказиш бўйича дастлабки натижалар Сергели туманидаги реал вазиятни аниқ кўрсатди. Илгари туман аҳолиси 181 минг нафар деб юритилган бўлса, хатлов натижасига кўра, ҳудудда аслида 236 мингга яқин аҳоли яшаётгани маълум бўлди. Яқин йилларда Сергели аҳолиси 300 минг нафардан ортиши кутилмоқда.

Шу боис раҳбарларда уй-жой, боғча, мактаб, поликлиника ва иш ўринларини аҳоли ўсишига мос равишда кўпайтириш бўйича ҳозирдан аниқ режа ва дастур бўлиши зарурлиги билдирилди.

Бу йил Сергелини ривожлантириш учун бюджетдан 173 миллиард сўм, банклар орқали 2 триллион 200 миллиард сўм ресурс ажратилган. Туман ҳокими ва мутасаддиларга ушбу маблағларни самарали ишлатиб, қўшилган қийматни 2-3 карра кўпайтириш бўйича режаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда пойтахт туманлари жами 9 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши белгиланган. Сергелининг ўзига ўтган беш ойда 236 миллион доллар инвестиция киритилди. Йил якунигача 60 та лойиҳани бошлаш ҳисобидан яна 750 миллион доллар инвестиция жалб қилиш режалаштирилган.

Пойтахт шароитида саноат лойиҳаларини жойлаштиришда ер масаласи энг катта муаммо экани кўрсатиб ўтилди. Шу боис “Янги авлод” саноат зонасидан пойтахтнинг 12 та туманига жой ажратиш ҳамда инвестиция, саноат, иш ўрни, экспорт ва бюджет тушуми кўрсаткичларини лойиҳа қилган туманнинг ўзига ёзиш тизимини жорий этиш топширилди.

Йиғилишда ер устидан ўтган метро йўналиши остида савдо ва сервис объектларини ташкил этиш тажрибаси ҳам кўриб чиқилди. Бунда давлат ердан фойдаланиш ҳуқуқини аукционга чиқариб, лойиҳа ва инфратузилмасини тайёрлаб беради, қолганини тадбиркорлар амалга оширади.

Сергелида метро линиясининг яна 8,5 километр қисмида шундай ишлар якунига етказилса, 137 та савдо-сервис объекти, 1-1,5 мингта иш ўрни яратилади, туман бюджетига 20 — 25 миллиард сўм қўшимча тушум тушади.

Умуман, ер усти метро линиясининг Яшнобод, Сергели ва Янгиҳаёт туманларидан ўтган 23 километр ҳудудида бундай лойиҳалар амалга оширилса, яна 400 та тадбиркор бизнес бошлаб, 3 мингта иш ўрни яратиши мумкин.

Ерларни қурилишга рухсат, архитектура-режалаштириш топшириғи ва лойиҳаси билан бирга тайёр пакет шаклида аукционга чиқариш бўйича Сергелида янги тажриба бошланди. Давлатимиз раҳбари мазкур тажрибани нафақат ер участкалари, балки сотувга қўйилаётган давлат объектлари ва саноат зоналарига ҳам татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент вилояти ҳудудидан олти йил олдин Сергелига қўшилган 13 та маҳаллада 14,5 минг хонадон бор, уларда 50 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Лекин бу ҳудудлар аҳолиси ҳалигача шаҳар муҳитини тўлиқ ҳис қилгани йўқ.

Мазкур маҳаллаларда ёритиш учун 629 та темир-бетон устун ўрнатилиб, кабель тортилган. Аммо тизим ҳали ишга тушмагани танқид қилинди. Мутасаддиларга ўн кун муддатда ушбу масалани ҳал қилиш топширилди. Шунингдек, йил якунигача ушбу маҳаллаларни канализация тармоғига тўлиқ улаш вазифаси қўйилди.

Сергели туманида аҳоли ва тадбиркорларнинг сони ошгани сабабли электр энергиясига йиллик талаб беш йилда 40 фоизга кўпайди. Айрим маҳаллаларда электр кучланиши меъёрдан 1,5-2 баробар пастлиги қайд этилди.

“Шаҳаролди”, “Ўзгариш” ва “Қумарик” нимстанцияларини ишга тушириш учун жами 107 миллиард сўм ажратилган. Мутасаддиларга ушбу объектларни аниқ муддатларда ишга тушириш ва аҳолига кафолатли электр таъминотини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди.

Умуман, пойтахтнинг Бектемир, Мирзо Улуғбек, Сергели, Яшнобод ва Янгиҳаёт туманларига ўтган 46 та маҳаллада электр, сув, канализация ва йўл бўйича бирорта ҳал этилмаган масала қолмаслиги кераклиги таъкидланди.

Сергели ва Янгиҳаёт туманлари аҳолисини қийнаб келаётган яна бир масала — сув тозалаш иншооти атрофидаги бадбўй ҳиддир. Мутасаддиларга 1 сентябргача оқова сув қабул қилиш иншоотига замонавий фильтрлаш ускуналарини ўрнатиб, мазкур муаммони бартараф этиш топширилди.

Келгуси йилдан Бирлашган Араб Амирликларидаги ҳамкорлар билан Қуйи Чирчиқ туманида қуввати 300 минг куб метр бўлган замонавий сув тозалаш иншооти қурилиши бошланади. Бунинг ҳисобидан Сергелидаги сув тозалаш иншоотига юклама кескин камаяди.

Жорий йил аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Сергелининг асосий 23 километр йўлида ҳаракат хавфсизлиги қайта кўриб чиқилмоқда. Чорраҳаларга 455 та “ақлли” светофор ўрнатилади, 150 та автобус бекати янгиланиб, 10 минг ўринли автотураргоҳ ташкил қилинади.

Келаси йил Янги Сергели кўчасида автобуслар учун 5,5 километрлик BRT йўлак қуриш режалаштирилган. Бу йўлак Шота Руставели кўчаси билан боғланади. Сергели, Бектемир ва Янгиҳаёт туманларини пойтахтнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган Тошкент ҳалқа йўлидаги янги кўприк қурилишини тезлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Йил бошидан буён Тошкент шаҳрига қарийб 3 миллион хорижлик сайёҳ ташриф буюрди. Уларнинг кўпчилиги тарихий обидалар, истироҳат боғлари, бозорлар, кафе-ресторанлар ва туристик маҳаллаларга пиёда бориб, хотиржам сайр қилишни истайди.

Бунинг учун йўл кўрсаткичлари, қулай маршрутлар ва рақамли хариталар зарурлиги қайд этилди. Мутасаддиларга автобус бекатлари, вокзал, аэропорт ва метро станцияларида сайёҳлар учун шаҳар маршрутларини кўрсатувчи, телефонга бепул ва осон юклаб олинадиган хариталарни жорий этиш топширилди.

Шунингдек, пойтахт меҳмонлари ва сайрга чиққан аҳоли учун ҳожатхоналар етишмаслиги қайд этилди. Бир ой муддатда алоҳида дастур ишлаб чиқиб, шу йилнинг ўзида ҳар бир туманда 15 — 20 та замонавий ҳожатхона қуриш учун ерларни аукционга чиқариш вазифаси қўйилди. Чиқинди қутиларини кескин кўпайтириш бўйича ҳам чоралар кўрилади.

Сергелидаги айрим мактаблар қувватидан 1,5-2 карра юқори юкламада ишламоқда. Йиғилишда ўқувчи ўрнини 2 карра кўпайтириш имконини берадиган янги типдаги мактаблар қуриш лойиҳаси таклиф қилинди.

Янги лойиҳага кўра, спорт зали, ошхона ва устахона ертўлада жойлашади, юқори қаватлардан эса синфхоналар сифатида фойдаланилади. Бу йил Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида биттадан мактаб ва боғчада ушбу ёндашувни жорий этиб, “пойтахт тажрибаси”ни яратиш топширилди.

Пойтахтда аҳоли ва туристлар учун салқин микроиқлим яратиш мақсадида 12 та сунъий кўл барпо этиш ишлари бошланмоқда. Шундан 3 таси Сергелида — Қўшқўрғон, Султонобод ва Фароғатли маҳаллаларида жами 22 гектар майдонда ташкил этилади.

Ушбу кўлларни пойтахт иқлимини мўътадил сақлашга, одамлар пиёда сайр қилиб, ҳордиқ чиқаришига хизмат қиладиган масканларга айлантириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, “Жўн” каналининг Сергели ва Янгиҳаёт туманларидан ўтган 5 километр қисмини бетонлаштириш бошлангани қайд этилди. Сергели ва Янгиҳаёт туманлари ҳокимларига йил якунигача канал бўйида сайилгоҳ ва саломатлик йўлагини ташкил этиш топширилди.

Йиғилишда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича пойтахт намунасини яратиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Пойтахт туманларига республика раҳбарлари бириктирилгани ўз натижасини бераётгани таъкидланди.

Олти ойда 230 та маҳаллада жиноят содир этилмади, 332 та маҳаллада жиноят кескин қисқарди. Криминоген вазияти ташвишли маҳаллалар сони 60 тадан 23 тага тушди. Бу шаҳарда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги ёндашувлар самара бераётганини кўрсатмоқда.

Сергели туманида ҳам хавфсиз муҳит яратиш бўйича ижобий натижалар қайд этилди. Криминоген вазияти оғир деб баҳоланган 29 та маҳалла “яшил” тоифага ўтди. 17 та маҳаллада жиноят содир этилмади. Сергели бу борада Тошкент шаҳри туманлари орасида энг яхши натижалардан бирини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари Ўзгариш маҳалласидаги профилактика ишлари бўйича тажрибани оммалаштириш, тумандаги қолган 46 та маҳаллани “яшил” тоифага ўтказиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Йиғилишда ҳокимлар ва масъулларнинг ахбороти тингланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Марҳабо ҲОЖИАКБАРОВА,
ЎзА мухбирлари.

ТАРАҚҚИЁТГА КУЧ БАҒИШЛАЁТГАН ДИПЛОМАТИЯ

Евроосиё маконида ҳамкорликнинг янги архитектурасини шакллантиришда муҳим омиллардан бирига айланмоқда

Бу унинг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли шерикликни илгари суриш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлари эътирофидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев етакчилигида сармоялар, иқтисодий кооперация ва гуманитар ҳамкорлик учун очиқ бўлган Марказий Осиёдаги энг жадал ривожланаётган давлатлардан бирига айланмоқда. Савдо, транспорт, рақамли технологиялар, туризм ва маданият соҳаларида Ўзбекистон — Грузия ҳамкорлигининг кенгайиши ҳар икки мамлакат манфаатларига мос келади.

Ушбу тарихий ташриф натижалари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар очиб, ўзаро ҳурмат, ишонч ва умумий мақсадларга асосланган конструктив дипломатия намунаси бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

Юнус Эмре КАНАТ,
Туркия Стратегик тадқиқотлар ва ривожланиш маркази бошқарув раиси:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир янги хорижий сафари Ўзбекистон замонавий дипломатияси тарихида навбатдаги муҳим саҳифага айланмоқда. Хусусан, Грузияга давлат ташрифи расмий Тошкентнинг стратегик шериклар доирасини қай даражада изчил кенгайтираётганини ва минтақавий интеграция жараёнларининг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаётганини яққол намоён этди.

Бу Ўзбекистон Президентининг Грузияга сўнгги 23 йилдаги илк давлат ташрифи экани унга алоҳида рамзий маъно бағишлади. Мазкур вақт мобайнида нафақат Ўзбекистоннинг ўзи, балки унинг ташқи сиёсати ҳам ўзгарди. Бугун мамлакат очиқлик, иқтисодий ўзаро боғлиқлик ва узоқ муддатли шерикликни ривожлантириш йўлидан бормоқда. Бу икки давлат раҳбарлари музокаралари мазмун-моҳиятида кўзга яққол ташланди.

Поти ва Батуми портлари орқали транспорт йўлакларини ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперацияси, рақамли технологиялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик — айнан шундай прагматик кун тартиби бугунги кунда замонавий дипломатия самарадорлигини белгилаб беради.

Туркия учун Ўзбекистон — Грузия муносабатларининг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга. Расмий Анқара Марказий Осиё ва Жанубий Кавказни ўзаро боғлиқ минтақалар деб билади. Бу ерда иқтисодий ва транспорт алоқаларининг мустаҳкамланиши бутун Евроосиё маконининг барқарорлигига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, расмий Тошкент ва Тбилиси ўртасидаги мулоқотнинг фаоллашуви йирик логистика ҳамда инфратузилма лойиҳаларини, жумладан, Ўрта йўлакни янада ривожлантириш учун ижобий ишора ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг дипломатик фаоллиги Евроосиё ҳудудида ҳамкорликнинг янги архитектурасини шакллантираётган омиллардан бирига айланиб бормоқда, дейиш мумкин. Грузияга амалга оширилган давлат ташрифи эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсати мамлакатни изчил равишда минтақавий ҳамкорликнинг асосий марказларидан бирига айлантираётганининг яна бир ишончли тасдиғи бўлди.

«Дунё» АА.

ҚАЛБИМИЗНИ НУРЛАНТИРГАН ХУШХАБАР

Энди эса давлатимиз раҳбарининг ўзи масалага эътибор қаратди, масъулларга унга ечим топишни қатъий қилиб қўйди. Бу хушхабар Янги Ўзбекистонда инсон қадри тушунчаси ҳақиқий маънода ҳаётга кўчганининг яна бир ҳаётий исботи бўлди. Президентимиз айтганидек, келаси йилдан чет эллик ҳамкорлар кўмагида Қуйи Чирчиқ туманида яна битта канализация сувларини тозаловчи иншоот қурилса, маҳалламиз бадбўй ҳиддан буткул халос бўлади.

Фақат шугина эмас, давлатимиз раҳбари транспорт қатновини яхшилаш кераклигини, Тошкент азалдан тоза, озода ва “яшил” шаҳар сифатида эътироф этиб келинганини қайд қилиб, Сергели ва Янгиҳаёт туманларидаги кўчалар, хиёбонлар ва парклардаги тозалик муҳити аҳоли ва туристлар талабига мос эмаслигини танқид қилди. Бу гапдан, очиғи, шу ҳудудда яшовчи инсон сифатида хижолат бўлдим. Ва яна у киши маҳалла раислари, нуронийлар ва фаоллар аҳоли билан бирга ободончилик, дарахт экиш ва уларни суғориш ишларига бош-қош бўлиши, ёшларга “Тозалик остонадан бошланади” деган қадриятни сингдириши зарурлигини айтганларида танамга жон кирди. Бу даъват менга куч ҳам берди.

Беихтиёр фаровонлик, қулайлик билан боғлиқ бирор масала Президентимиз назаридан четда қолмади-я, дедим. Ростдан ҳам шундай. Катта маблағ талаб этадиган масалаларни Президент ҳал қилиб, тўғри йўлни, маслаҳатни бераётган маҳал четда турсак уят. Шу боис маҳалламизда яшовчи ёшу қари бундан кейин янада фаол бўлишади. Тадбиркор йигитларимизнинг кучини ҳам ободончиликка қаратамиз. Бу ҳеч шубҳа йўқки, аҳоли саломатлигини яхшилашга, тадбиркорликни ривожлантиришга, инфратузилма объектларини янада кўпайтиришга туртки беради. Шу тариқа ўз ҳовлингда, оиланг бағрида, фарзандлар иқболини, уларнинг қувончини кўриб, Яратганга шукр дея яшаш имкони туғилади. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?..

Адҳам ИБРАГИМОВ,
Сергели туманидаги «Кўҳна Қумариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: *Президентимиз Сергели туманига ташрифи чоғида эътибор қаратган муаммо — оқова сувларни тозалаш иншоотидан чиқаётган бадбўй ҳиддан Ўзгариш, Қумариқ маҳаллаларидаги минглаб аҳолининг азият чекаётгани газетамизнинг 2025 йил 17 октябрдаги 214-сонида мухбиримиз Абдунаби Алиқуловнинг “Шаҳар чиройига доғ тушмасин” сарлавҳали мақоласида ҳам кўтарилган эди.*

Мақола эълон қилинган куниёқ кўтарилган муаммога ўз муносабатини билдиришни сўраб Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. Абдуҳакимовга (айни пайтда Миллий қўмита раиси) ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ш. Умурзоқовга расмий хатлар юборилди. Афсуски, орадан олти ой ўтса-да, улардан жавоб келмади. Шу боис таҳририят яна мазкур муаммога эътиборини қаратди — газетанинг 2026 йил 30 апрелдаги 85-сонида “Қимматга тушаётган сукут” сарлавҳали 2-мақола эълон қилинди. Унда бадбўй ҳид ва унга сабабчи бўлаётган салбий ҳолатлар ҳамон ечимини топмагани, “Шаҳар чиройига доғ тушмасин” номли мақола юзасидан бирон-бир муносабат билдирилмагани тилга олинади.

Ваҳоланки, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7 ва 28-моддалари мазмунидан келиб чиқсак, оммавий ахборот воситаларининг мурожаатлари “масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда” кўриб чиқилиши белгиланган. Ана шу мазмундаги 56-расмий хат таҳририят томонидан шу йил 4 май куни қонун талаби эслатилган, мақолалар илова қилинган тарзда шаҳар ҳокими Ш. Умурзоқовга юборилди. Афсуски, бу галги хатга ҳам жавоб келгани йўқ.

Ўтган йилдан буён газетамиз назоратида турган аҳоли дардига — мутасаддилар ўз вақтида ечимини топиши лозим ҳисобланган муаммога Президентимизнинг эътибори маҳалла аҳли қатори биз, журналистларни ҳам беҳад қувонтирди. Бу ҳам давлатимиз раҳбари каттаю кичик раҳбарларга нечоғли ибрат кўрсатаётгани, аҳолини ўйлантириб турган бирор муаммо назардан четда эмаслиги, матбуотда чиқишлар бир кун келиб Президент назарига тушиши аниқлигининг ёрқин исботидир.

Президентимиз фармонига кўра, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Балиқчиликни ривожлантириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилади.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Инсон зотига эришилган натижалардан қониқмаслик хос. Бу ношукрлик эмас, балки олға, янада юксакроқ маррага интилишни англатади. Акс ҳолда аста-секин турғунлик юз бериши муқаррар. Бироқ аламзада, ҳасадгўй, қилдан қийиқ ахтарадиган, барча нарсадан норози, ношукр бандалар ҳам бор, доимо бўлган. Шу сабабдан Янги Ўзбекистон, кундан-кун ўзгараётган турмуш тарзимиз ҳақида гап кетганда, "Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз!" деган эътироф аламзадаларга маддоҳликдек туюлар, аммо аслида, бу — ҳақиқат.

Нуқтаи назар

Тўғри, қийинчиликлар кўп, камбағаллик, ишсизлик тугатилган эмас. Бозор муносабатлари шароитида барчага бирдек рақобатдошлик, ишбилармонлик, саховат етишмайди. Афсуски, юлғичлик ва порахўрлик ҳам, ўғирлик ва қаллоблик ҳам, энг чатоғи, бефарқлик ва боқимандалик ҳам учрайди. Начора, инсон боласи фаришта эмас. Аммо ҳеч ким ўз дарду ҳасратлари, муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмаган. Давлатга қанча қийин бўлмасин, аҳолининг муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимояга олинган. Камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва умуман, ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш изчил олиб борилмоқда.

Халқаро вазият эса мураккаб, жаҳон ҳамжамияти ниҳоятда оғир даврни бошдан кечираётир. Иқтисодий қийинчиликлар кўпайиб бормоқда. Жаҳон бозорида иқтисодиёт динамикаси яхши эмас. Бунинг устига турли минтақаларда юз бераётган ҳарбий тўқнашувлар, айниқса, Яқин Шарқдаги нотинчликлар жаҳон иқтисодиётига, жумладан, ёқилғи-энергетика ва транспорт-логистика тизимига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳарбий низо зоналарини четлаб ўтишга мажбур бўлаётган савдо-сотиқ йўналишлари чўзилиб, товарларни етказиб бериш ва суғурталаш анча қимматлашиб кетди. Натижада инфляция кучайиб, нарх-наво ошиб бораётир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиётини янги тўсиқларга дучор қилди. Лекин мамлакат ичида, аҳоли таъминотида барор муаммо сезилгани йўқ. Ижтимоий ҳимоя тизими заифлашиб қолмади. Экспортчи тадбиркорларнинг логистик ва бошқа харажатларининг бир қисми давлат томонидан қоплаб берилмоқда.

Шу пайтгача тарихимизда давлат ва унинг раҳбари бунчалик халқпарвар, хайрихоҳ сиёсат олиб бормаган, бунчалик шароит яратмаган эди, дея баралла айтиш мумкин.

Албатта, ҳеч бир тизим ва тузилма фаолияти рисоладагидек кечмайди. Иш бор жойда, камчилик ва хатолар ҳам учрайди. Гап фақат уларнинг маълум меъёрдан ошиб, оғир оқибатларга олиб келмаслигида! Жузъий хатоларни, камчиликларни тузатиш мумкин. Бунинг учун давлат ва жамоат ташкилотларида, ҳар бир инсонда ўз фаолиятини тафтиш қилиш, танқидий ва бунёдкорлик руҳида (креатив) фикрлаш қарор топиши лозим, танқидбозлик ва кўр-кўрона ҳамма нарсани рад этиш эмас.

Имконият ва масъулият

Давлат фуқаролар ва жамият олдидаги мажбуриятларини ҳар ҳолда қониқарли бажариб келмоқда. Аммо барча фуқаролар ва тадбиркорлар жамият (халқ) ва давлат олдидаги бурчларини, вазифаларини сидқидилдан тўла-тўкис адо этмоқдами? Бу саволга "ҳа" дейиш қийин. Белни маҳкам боғлаб, тиришқоқлик билан ишлаётганлар қаторида ялқовлик қиладиган, давлат қачон менинг шароитимни яхшилаб беради, дейдиганлар ҳам талайгина. Баъзилар ҳануз боқимандалик психологиясидан қутула олгани йўқ. Улар бирор касбни ҳам дуруст ўзлаштирмаган, таклиф этилган иш ўринларидан ҳам қаноатланмайди, гўёки маоши кам. Баъзиларга эса яхши маошлик иш таклиф қилинса ҳам, "Узоқ экан, қатнаш қийин" деган баҳона топади. Давлатдан нафақа сўрайди. Айримлар ҳатто давлат стипендия берса-да, янги касбга ўқигиси келмайди. Бундайларнинг аксарияти меҳнат муҳожири бўлишни хоҳлайди, кимларнингдир ташвиқотига учади. Давлат меҳнат муҳожирлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча чораларини кўрмоқда. Уларни уюшган ҳолда, касб ўргатиб, шартнома асосида жўнатишга ҳаракат қилмоқда.

"Қарс икки қўлдан чиқади", деган нақл бор. Давлат шунча имконият яратаётган экан, ишчи ва тадбиркорда ҳам давлат сиёсати томон хайрихоҳлик бўлиши лозим. Тадбиркорларнинг ҳаммасида ҳам ватанпарварлик туйғуси баландми? Кўпчилиги осон йўлни танлаб, ишлаб чиқариш билан эмас, фақат олди-сотди билан шуғулланмаяптими? Тошкент, Ургут улгуржи бозорларидан, Хитой ёки Туркиядан сифати ҳар хил маҳсулотларни олиб келиб, устига 30 — 40 фоиз, баъзиларига 2-3 баравар нарх қўйиб сотиш ҳақиқий яратувчилик эмас. Зеро, бундан роппа-роса бир аср бурун британиялик иқтисодчи Кейнс агар марказий бозор ва ҳудудлар бозори нархлари ўртасида сезиларли фарқ бўлса, ҳудудларда ишлаб чиқариш яхши ривожланмайди, бандлик муаммоси ечилмайди, чунки тадбиркорлар марказий бозордан товар харид қилиб, ўз ҳудудида сотиб даромад олаверади, корхона қуриб, иш ўринлари яратиб, ишчи-ходимларни тайёрлаб, натижаси кафолатланмаган рақобатга киришиб ўтирмайди, деган эди.

Давлат тадбиркорларга қанчалик имтиёзлар бериб, ҳар томонлама қўллаб-қувватламасин, Кейнс аниқлаган қонуният бизда ҳам намоён бўлмоқда. Билъакс, баъзи йирик олиб-сотар тадбиркорлар Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ривожланишидан манфаатдор эмас. Чунки четдан товар олиб келиб сотиш ҳар жиҳатдан уларга фойдали. Савдодан тушган сўмни валютага алмаштириб олиш, бир қисмини чет эл банклари, офшор ҳудудларга жойлаштириш ёки мамлакат ичида кўчмас мулкка айлантириш имкони бор.

Хўш, бу келтирилган камчиликлар учун давлат айбдорми? Асло, йўқ! Тадбиркор ва давлат ўртасида икки томонлама масъулият амалиёти шаклланмас экан, юқоридагига ўхшаш камчиликлар давом этаверади.

Ёки коррупция ва порахўрликка қарши фақат давлат курашиши керакми? Нима, давлат қўли эгри кишиларни лавозимга қўйишдан фойда кўрадими? Аксинча, коррупция ва порахўрлик давлатни ич-ичидан емиради. Демак, гап турли поғона раҳбарларининг нафси тарбия топмаганида! Уларнинг ўз жиғилдонларини ўйлаб, пора берадиган ва "измига юрадиган" кадрларни танлашида. Бундай амалиёт бирданига шаклланиб қолмаган. Унинг вужудга келишида бефарқ жамоатчиликнинг ҳам айби бор. Польшалик атоқли адиб Бруно Ясенский инсонларнинг бефарқлиги туфайли хиёнат ва хоинлик, қотиллик ва ўғрилик мудом содир бўлаверади, дейди. Афсуски, у ҳақ. Шу боис кадрлар танлаш қатори давлат хизматида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматнинг кўплаб бошқа соҳаларида инсон омилини чеклаш мақсадида сунъий интеллектдан фойдаланмоқдамиз. Давлат таниш-билишчилик, уруғаймоқчилик, коррупция ва порахўрликка қарши курашнинг янги замонавий усулларига ўтмоқда.

Мураккаб даврда мустақил сиёсат

Шубҳасиз, Ўзбекистон собит ва юқори суръатларда тараққий этаётир. Буни исботловчи кўплаб статистик маълумотларни келтириш мумкин. Биргина 2025 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 млрд. доллардан ошгани, жорий 2026 йилда бу кўрсаткич "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган маррадан ортиши кутилаётгани мазкур стратегияни қайта кўриб чиқишни тақозо этгани жуда ишончли далил.

Бунга қўшимча қилиш жоизки, Ўзбекистонда миллий мустақилликни, мамлакатнинг ҳарбий ва сиёсий хавфсизлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни сезиларли оширишга тўғри келмоқда. Собиқ иттифоқ даврида республикамизда бирор дона ўқ-дори, қурол-яроғ чиқарилмас эди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳарбий саноат комплекси бўлмаган давлат ўзини тўлақонли мудофаа қилолмайди. "Катта оға", ҳомий ва паноҳ давлат излаш, охир-оқибат, уларнинг сиёсий ва ҳарбий талабига бўйсунишга олиб келади.

Ҳарбий-саноат комплексини йўқдан барпо этиш бозордан тайёр қурол-яроғ сотиб олишга нисбатан бир неча бор мураккаб ва қийин. Лекин "бошқаларга" яримқарам бўлиб қолишни истамаган давлат, биринчидан, ўзининг ҳарбий-саноат комплексини яратиши ва ўз ҳарбий эҳтиёжларини оддий қурол-яроғ бўйича аста-секин, ҳеч бўлмаганда, 50 — 70 фоизини таъминлаши керак. Иккинчидан, бир мамлакатга юксак технологик қурол-яроғ масаласида қаттиқ боғланиб қолмаслик учун унинг импортини диверсификация қилиши, бирбиридан мустақил, турли минтақаларда жойлашган замонавий аслаҳа бозорларини ўзлаштириши лозим. Чунки эртага бирор кор-ҳол юз берганда, кафолатли таъминотга эга бўлишимиз керак.

> *Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқур интеграциялашмоқда. Халқаро ташкилотларда, хусусан, БМТ, UNESCO, ICESCO, ШҲТ, ТДТ ва бошқа ташкилотларда мамлакатимиз обрўси ва мавқеи ортиб бораётир. Ўн йил бурун инсон ҳуқуқлари бузилаётган, мажбурий меҳнат қўлланилаётган мамлакатлар "қора рўйхати"да турган Ўзбекистоннинг вакили бугун БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасига аъзо. Шунингдек, Ўзбекистон илк маротаба БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг маъмурий Кенгашига аъзо этиб сайланди.*

Ички ўзгаришлар суръатларидан қониқмаётган кишилар инсоф юзасидан ўйлаб кўрсинлар, давлатимиз истиқлол йилларида бугунгидек тинчликка ва мустақилликка хавф туғдираётган таҳликали халқаро вазиятга тушмаган эди. Аммо Ўзбекистонда вазиятга мос қайишқоқ сиёсат олиб борилмоқда. Ҳақиқатан, бир томондан, илмий-техника тараққиёти, мегатехнологиялар босимида юз бераётган трансформация, инсон табиатига таҳдидлар, иккинчи томондан, халқаро муносабатларнинг трансформацияси, ташқи сиёсий босим ва иқтисодий рақобат, миллий мустақилликка таҳдидлар давлатимиз раҳбаридан ва унинг жамоасидан ички ва ташқи сиёсатни нозик олиб боришни, зарур мувозанатни топа олишни талаб қилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, жарроҳлик амалиёти ўтказаётган шифокор сингари ўта диққат билан барча асосий ва кичик қон томирларию асаб толаларигача бирортасини назардан қочирмасдан боғлашни, айни пайтда миллий манфаатларни қаттиқ ҳимоялаб, дадил ва ишонч билан ҳаракат қилишни тақозо этаётир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқур интеграциялашмоқда. Халқаро ташкилотларда, хусусан, БМТ, UNESCO, ICESCO, ШҲТ, ТДТ ва бошқа ташкилотларда мамлакатимиз обрўси ва мавқеи ортиб бораётир. Ўн йил бурун инсон ҳуқуқлари бузилаётган, мажбурий меҳнат қўлланилаётган мамлакатлар "қора рўйхати"да турган Ўзбекистоннинг вакили бугун БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасига аъзо. Шунингдек, Ўзбекистон илк маротаба БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг маъмурий Кенгашига аъзо этиб сайланди.

12 — 15 йил бурун ҳатто яқин қўшни давлатлар билан ҳам алоқалари заифлашиб, миллий маҳдудликка мойиллиги ортиб бораётган Ўзбекистон давлат бошлиғининг оқилона ва адолатли сиёсати туфайли жаҳонга очилди. Яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида Марказий Осиё давлатлари консолидациясида муҳим роль ўйнамоқда. Натижада "Марказий Осиё 5+" формати вужудга келдики, жаҳоннинг етакчи давлатлари мазкур формат билан шерик-лик ва ҳамкорлик бўйича саммитлар ўтказиб, битимлар тузмоқда. Минтақада, айниқса Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида тинчлик-осойишталик, бирдамлик ўрнатилишида ва "МО 5+" форматининг вужудга келишида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хизматлари беқиёс.

Муқаддас бурч

Бугун Ўзбекистон, хусусан, Тошкент ва Самарқанд жаҳоннинг халқаро нуфузли илмий, маданий, молиявий, сиёсий анжуманлар ўтказиладиган марказлари қаторидан жой олди. Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Наманган миллий маданиятлар ва санъатлар, ҳунармандчилик анъаналарини сақлаш, ривожлантириш, ёйиш, турли халқларнинг бу борада бирбиридан ўрганишига шароит яратувчи фестиваллар, тадбирлар ўтказиладиган халқаро майдонга айланди.

Ўзбекистон собиқ иттифоқ даврида пахта хомашёси етказиб берувчи аграр ўлка эди. Республикада етиштирилган толанинг бор-йўғи 7 фоизи қайта ишланарди. Мустақиллик йиллари, айниқса, кейинги ўн йилда мамлакатимизни саноатлаштириш борасида катта ишлар қилинди.

Совет иқтисодий модели бугун тўла трансформация қилинди, Ўзбекистоннинг табиий ресурслари ва ижтимоий-маданий, интеллектуал кадрлар салоҳиятига мос янги миллий иқтисодиёт оёққа турмоқда. Биргина Қашқадарё вилоятида жорий йилда ҳудудий лойиҳаларга 2 млрд. долларлик инвестиция ва кредитларни жалб қилиш кўзда тутилган. Шу йилнинг ўзидаёқ саноатда 52 та, қишлоқ хўжалигида 45 та, хизмат кўрсатишда 25 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Хитой билан кунига 1500 тонна қаттиқ маиший чиқиндиларни термик қайта ишлаш эвазига энергия ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади. Лойиҳанинг иқтисодий фойдасидан ташқари экологик аҳамияти ҳам жуда муҳим. Малайзия компанияси Қашқадарё, Қизилдарё, Оқдарё ва айрим каналлар сув оқимидан фойдаланиб кичик гидроэлектростанциялар қурилишига инвестиция киритмоқда.

Тоғли Мираки шаҳарчасида йирик туристик комплекс бунёд этилди. Вилоятда туристларни жойлаштириш воситалари 406 тага етказилди. 2017 йилдагига нисбатан ўсиш 25 карра! Биргина ўтган йили 6 та меҳмонхона, 15 та хостель ва 26 та меҳмон уйи ташкил этилди. Қамаши ва Китобда 3 та кемпинг, Шаҳрисабз ва Китоб туманларида 40 та капсула уйлари тадбиркорлар томонидан бунёд қилинди. Шаҳрисабз тумани "Гилон" ва "Сарчашма" МФЙ майдонларида салкам 3 минг гектарлик туристик-рекреацион зона, қиймати 300 млн. долларлик халқаро умуммавсумий курорт қурилишига старт берилди. Унда осма дор йўли, ресторан, тўрт юлдузли меҳмонхона, беш қаватли автотураргоҳ, вертолёт майдончаси бор тоғ-чанғи курорти қурилади. Комплекс бир вақтнинг ўзида 13 минг туристни қабул қилолади. Қамаши туманидаги "Катта Ўра" МФЙда 58,6 гектарлик "Майданак" баланд тоғ туристик маркази ташкил этилади. Унда вертолёт қўниш майдончаси, ресторан, 10 та бунгало ва 10 та шале типидаги ҳамда 20 та тайёр капсула уйлари, автомобиль тураржойи, хуллас, туристлар учун зарур барча инфратузилма яратилади.

Янги Насаф экомажмуаси 235 гектарлик майдонда Қарши бош канали бўйида барпо қилинади. Унинг 30 — 35 гектарида "Кўҳна Насаф" мажмуаси қурилади. У шунчаки сайёҳлар учун мўлжалланган жой бўлмайди. У, аввало, ҳозирги авлод кўз ўнгида ўтмиш турмуш тарзимизни, маданиятимизни, савдо-сотиқ ва халқаро алоқаларимизни қисман жонлантирадиган, миллий тарихий хотирамизнинг бир бўлагини қайта гавдалантириб, ёшлар онгида мустаҳкамлайдиган муҳим тарбия ҳудудига айланади.

Мамлакатимизнинг қадимги шаҳарларида шунга ўхшаш мажмуаларнинг барпо этилиши нафақат аждодларимиз руҳи поклари, муқаддас хотираси, балки келажак авлод, фарзандларимиз олдидаги бурчимиздир. Айни шу бурчни давлатимиз раҳбари чуқур ҳис қилиб, тарихимиз, маданий меросимиз, халқимизнинг маънавий камолоти ҳақида қайғурмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон ҳақида аниқ рақамлар келтириб, кўп гапириш мумкин. Алалоқибат, юқорида айтганимиз — тарихда ҳеч қачон бундай яшамаганимиз ҳақидаги фикр тўғрилиги яна бир бор исботини топади.

Абдураҳим ЭРКАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

1

Грузия ҳам Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли шериклари-дан бирига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мунтазам сиёсий мулоқотлар натижасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, транспорт ва логистика, туризм, инвестициялар, рақамли иқтисодиёт, таълим ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда сезиларли ўсиш кузатилмоқда.

Айниқса, бугунги мураккаб геосиёсий шароитда Ўзбекистон ва Грузияни боғлаб турган транспорт-коммуникация йўлакларининг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Марказий Осиёдан Қора денгиз орқали Европа бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш ҳар икки давлатнинг стратегик манфаатларига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, Транскаспий халқаро транспорт йўлагини ривожлантириш, юк ташиш ҳажмини ошириш ва логистика инфратузилмасини модернизациялаш икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам Грузия билан муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Инвестиция муҳитининг яхшиланиши, хусусий мулк дахлсизлигининг мустаҳкамланиши, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилиши хорижий шерикларда, жумладан, Грузия бизнес доираларида ҳам мамлакатимизга нисбатан қизиқишни кучайтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, савдо айланмасини кўпайтириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Парламент нуқтаи назаридан қараганда ҳам мазкур воқеа алоҳида аҳамият касб этади. Чунки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган юксак ишонч парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштириш, қонунчилик соҳасида тажриба алмашиш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқ дипломатиясини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратади.

Айниқса, Ўзбекистон ва Грузия парламентлари ўртасидаги дўстлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, қонун ижодкорлиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий дипломатияни парламент даражасида қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз Грузия Республикасининг олий давлат мукофоти билан тақдирланиши мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тўғри танлангани ва Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро нуфузини яна бир бор тасдиқлайди. Демак, бу эътироф нафақат давлат раҳбарига, балки Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаётган бутун халқимизга билдирилган ҳурмат рамзидир.

Ушбу тарихий воқеа Ўзбекистон ва Грузия муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт ва логистика соҳасидаги стратегик лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ МУҲИТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари У. Тўхташева ахборот берди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари такомиллаштирилиб, жамиятда унга нисбатан муросасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Соҳада қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил 5 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштироки янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2025 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, соҳаларда коррупция омилларини бартараф этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан 37 та таҳлилий маълумот тайёрланган, улар бўйича 19 та янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, маиший коррупциянинг олдини олишга қаратилган Андижон тажрибаси, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишда фаоллигини ошириш юзасидан Навоий тажрибаси, рақамлаштириш бўйича Самарқанд тажрибаси каби ижобий малакалар шакллантирилиб, бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ қилинмоқда.

Комплаенс хизматининг ташкил этилиши, давлат органлари ҳамда ташкилотларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосарлар фаолиятининг йўлга қўйилиши коррупцияга қарши курашиш борасидаги янгиланишлар изчиллигини ва жойларда чора-тадбирлар ижросини самарали таъминлашда катта туртки бўлаётир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, илмий муассасалар, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг доимий ҳамкорлигига асосланган "Коррупциянинг олдини олиш кластери" жорий этилди.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда ушбу соҳада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлиги айтилди.

Депутатларнинг фикрича, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини бекор қилиш, бозор нархидан қиммат олинган харидлар учун жавобгарлик тизимини жорий этиш, давлат харидларида коррупциявий омилларни тўлиқ бартараф қилишга қаратилган ҳолатлар сақланиб қолмоқда. Бундан ташқари, давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви, давлат органларининг очиқлиги ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўлиқ бартараф қилинмаган.

Халқ вакиллари агентлик томонидан коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятлар тергови натижаларини комплекс таҳлил этиш, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан боғлиқ материалларни ўрганиш, мансабдор шахсларнинг қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самарадорлигини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш ролини кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қонунчилик бузилиши хавфини автоматлаштирилган тарзда баҳолаш механизми жорий қилинади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 июль

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан ўтказган навбатдаги очиқ мулоқоти ва унда илгари сурилган ташаббуслар Янги Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт йўлида тарихий воқеа бўлди. Мулоқот давомида ўртага ташланган ҳар бир ташаббус замирида улкан эзгу мақсадлар мужассамки, бу ёшларни жамиятнинг энг катта бойлиги ҳамда иқтисодий ўсишнинг асосий драйверига айлантиришни назарда тутади. Ушбу мулоқотдан келиб чиққан асосий хулосалар ва белгиланган устувор йўналишлар мамлакатимизда ёшлар сиёсати мутлақо янги босқичга чиққанини кўрсатади.

Ислоҳот

Айтиш жоизки, бугунги кунда маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан ҳам юқори. Улар ёшларнинг дарду ташвиши ва орзуларини рўёбга чиқариш билан ҳамоҳанг ишлайдиган чинакам кўмакчига айланмоқда. Шартнома тўловларидан тортиб, тадбиркорлик учун имтиёзли кредитлар ажратишгача бўлган жараёнларда уларнинг иштироки тизимнинг инсонпарварлик тамойилига асосланганини яққол кўрсатади. Энг муҳими, бугунги кунда раҳбарлар фаолияти ёпиқ кабинетларда эмас, аксинча, очиқ платформаларда, жонли мулоқотлар орқали баҳоланяпти. Натижада йигит-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлиги, таълими, касб-ҳунар эгаллаши ҳамда тадбиркорлик бошлаши учун кенг имкониятлар очилди. Ҳар ҳафтанинг пайшанбаси “Ёшлар куни” этиб белгиланиб, вазирлик ва идоралар ёшлар муаммоларини ўрганиш ҳамда уларга ечим топишга сафарбар қилинди.

Очиқ мулоқотнинг энг концептуал ғояси шу бўлдики, бугунги ёшлар — мамлакатнинг энг катта иқтисодий, ижтимоий ва интеллектуал капитали. Глобал рақобат кучайган асрда мамлакат салоҳияти табиий бойликлар билан эмас, балки билимли ҳамда шижоатли ёшлар билан ўлчанмоқда. Дунёда давлатларнинг куч-қудрати ва устуворлигини белгиловчи анъанавий омиллар ўз аҳамиятини йўқотиб бораётир. Президентимиз таъбири билан айтганда, энди давлатлар ҳудуди билан эмас — билими билан, аҳоли сони билан эмас — технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас — инсон капитали билан рақобатга киришмоқда.

Интеллектуал меҳнат маҳсули

Бугунги кунда билим, илм-фан ва интеллектуал меҳнат маҳсули бўлган янги “Билимлар иқтисодиёти” дунё тараққиётининг энг ҳал қилувчи кучига айланди. Бундай шароитда эса мамлакатимизнинг стратегик кучи унинг навқирон, изланувчан ва шижоатли ёшларидир.

Таъкидлаш керакки, юртимизда сўнгги йилларда ёшлар сиёсати йўналишида амалга оширилган ислоҳотлар фақат қоғозда эмас, балки миллионлаб йигит-қизларнинг ҳаётида, уларнинг эришган ютуқларида ўз аксини топмоқда. Буни рақамлар ҳам яққол исботлайди. Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ноёб механизми бўлган “ёшлар дафтари” орқали қисқа вақт ичида 1,5 млн. нафар йигит-қизнинг бандлик, таълим ва ижтимоий муаммолари муваффақиятли ҳал этилди. Кўрсатилаётган имтиёзлар натижасида ёш тадбиркорлар сони кейинги йилларда 5 баробар кўпайиб, 287 минг нафардан ошди. Бу минглаб янги иш ўринлари ва иқтисодий мустақиллик демакдир.

Жаҳон бозори ҳамда илм-фани билан интеграциялашиш учун хорижий тилларни интенсив ўрганаётган йигит-қизлар сони 3,5 млн. нафарга етди. Иқтидорли ўқувчи ва талабаларимиз нуфузли фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчиларимиз эса халқаро мусобақаларда 2 245 та медални қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришди.

Президентимиз ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши ҳамда жамиятда ўз кучига ишонган ҳолда қадам босиши учун билим, касб ва замонавий технологияни энг муҳим уч устун сифатида кўрсатди. Ушбу мақсадни ҳаётга татбиқ этиш учун мамлакатимизда мутлақо янги тизим — “Келажак билимлари экотизими” йўлга қўйилмоқда. Мазкур дастур доирасида ҳар йили 500 минг нафар ўғил-қиз замонавий, юқори даромад келтирадиган касбларга ўқитилади. Бунда давлат ўқув марказларини очиш истагида бўлган ёш ташаббускорларга мислсиз имтиёзларни тақдим этади. Масалан, ер майдонлари ҳамда бўш турган давлат объектлари имтиёзли шартларда ажратилади, марказлар учун зарур бўлган барча инфратузилма давлат ҳисобидан яратилади, замонавий ўқув марказларини қуриш ва жиҳозлаш учун банклардан олинадиган кредит ставкаларининг бир қисми давлат томонидан компенсация қилиб берилади.

Қўлида касби бор, лекин дунё бозоридаги ўзгаришлар фонида янги кўникмаларни, хусусан, IT, рақамли технологиялар ёки “яшил” энергетика соҳаларини эгалламоқчи бўлган ёшлар учун янги инқилобий қадам сифатида “Касб ваучери” тизими жорий этилмоқда. Ҳар йили 50 минг нафар ёшнинг замонавий касбларни мустақил ва сифатли ўрганиши учун харажатлар давлат томонидан фоизсиз ссуда ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади. Оғир аҳволдаги, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзанди бўлган ва ҳозирда ишсиз турган 85 минг нафар йигит-қизга хусусий ўқув марказларида исталган касбни эгаллаши учун бепул ваучерлар тақдим қилинади. Шу йилнинг ўзида ушбу янги тизимнинг самарали фаолиятини бошлаш учун Давлат бюджетидан мақсадли равишда 120 млрд. сўм ажратилди.

> **Очиқ мулоқотнинг энг концептуал ғояси шу бўлдики, бугунги ёшлар — мамлакатнинг энг катта иқтисодий, ижтимоий ва интеллектуал капитали. Глобал рақобат кучайган асрда мамлакат салоҳияти табиий бойликлар билан эмас, балки билимли ҳамда шижоатли ёшлар билан ўлчанмоқда. Дунёда давлатларнинг куч-қудрати ва устуворлигини белгиловчи анъанавий омиллар ўз аҳамиятини йўқотиб бораётир. Президентимиз таъбири билан айтганда, энди давлатлар ҳудуди билан эмас — билими билан, аҳоли сони билан эмас — технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас — инсон капитали билан рақобатга киришмоқда.**

Инсон капиталини тарбиялаш — улуғвор қадам

Яратилаётган имкониятлар, шароитлар Ўзбекистон ёшлар сиёсатида янги давр бошланаётганини кўрсатади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар уларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ўстиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. “Келажак билимлари экотизими” ва “Касб ваучери” тизимининг жорий этилиши юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган, билимлар иқтисодиётини бошқара оладиган янги инсон капиталини тарбиялаш йўлидаги улуғвор қадамдир. Зеро, ўз билимига, замонавий касбига ҳамда Ватанига содиқ ёшлар — кучли, енгилмас ва фаровон давлатнинг энг олий кафолати.

Шу маънода, ёшларнинг салоҳиятидан мамлакат ривожи ҳамда халқаро обрўсини ошириш йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хорижий тилларни мукаммал биладиган навқирон авлод салоҳиятидан бой тарихимиз, маданий мерос, туризм ва экспорт имкониятларини халқаро майдонда тарғиб қилиш тадбирларини комплекс амалга ошириш учун ҳар йили 20 млрд. сўм маблағ ажратилади. Етакчи хорижий олийгоҳларда ўқиётган 14 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг таътил даврида юртимиздаги вазирлик, ҳокимлик, давлат ҳамда хусусий компанияларда амалиёт ва стажировка ўташи учун рақамли мулоқот платформаси ишга туширилади.

Қолаверса, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали ёшларни хусусий сектор буюртмаси асосида ҳам нуфузли хорижий олийгоҳларда ўқитиш имконияти яратилади. Давлат бошқарувида ёшларга ишончни кучайтириш мақсадида 5 та йўналишда “ТОП — 100” дастури амалга оширилиб, ғолиблар раҳбарлик лавозимларига тавсия этилади. Ҳар йили 2 минг нафар иқтидор эгасини халқаро ташкилотларга стажировкага юбориш режаси ишлаб чиқилади.

Айни пайтда ёшларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш учун янги рағбатлар жорий этилаётгани ҳам эътиборга молик. Олайлик, олийгоҳ битирувчисини ишга олган тадбиркорлар учун ёш мутахассисга нисбатан даромад ва ижтимоий солиқ бир йил давомида 1 фоиз қилиб белгиланади. Бу 200 мингга яқин битирувчиларни ишга жойлаштириш учун муҳим рағбат бўлади. “Кафолатланган биринчи қадам” пакети эса ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ҳарбий хизмат, миграция ва жазони ўтаб қайтган, жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун жорий этилади. Бундан ташқари, “Устоз — талаба” дастури асосида уюшмаган ёшларга кўмаклашган талабалар ҳам рағбатлантирилади. Маҳаллий брендлар франшизасини оладиган йигит-қизларга Ёшлар тадбиркорлиги жамғармасидан 300 млн. сўмгача фоизсиз ссуда ажратилади. Мазкур дастурлар учун 500 млрд. сўм йўналтирилади. Ёшлар хаблари эса касб ва тил ўрганиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик бўйича хизматлардан “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланиш имконини беради.

Инновацион стартаплар устуворлиги

Ўзбекистон иқтисодиёт ҳажмини 2030 йилгача 240 млрд. доллардан оширишни режалаштирган. Мақсадга эришишда инновацион стартаплар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари ва ҳоким “1 мингта масалага — ёшлардан 1 мингта ечим” лойиҳасини ишга туширади. Ёшлар ишлари агентлиги бизнес, АТ ва креатив иқтисодиёт йўналишидаги 100 та энг яхши лойиҳага 1 млрд. сўмгача инвестиция киритади. “Рақамли ҳукумат” марказида биринчи суперкомпьютер кластери ишга туширилди, келгуси йил унинг қуввати уч карра оширилади. Жорий йилда 20 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилса, бундан ёшлар бепул фойдаланиб, муаммоларга ечимлар ишлаб чиқади.

Президентимизнинг ёшлар билан очиқ мулоқоти Янги Ўзбекистон йигит-қизлари учун янги давр дарвозасини очди. Унинг якунида билдирилган даъват ёшларни катта марралар сари дадил интилишга, билим, касб ҳамда замонавий технологияларни пухта эгаллашга, меҳнатдан қочмасликка, қийинчиликдан чўчимасликка ундади. Стартапларни инвестициялаш, миллий брендларни яратиш учун ажратилаётган миллиардлаб маблағлар ҳамда солиқ имтиёзлари ёшларнинг ўз кучига ишончини мустаҳкамламоқда.

Тақдим этилаётган кенг кўламли дастур ҳамда имкониятлар эса Янги Ўзбекистон ёшларини XXI асрнинг ҳақиқий драйверларига, глобал рақобатда ўз ўрнига эга буюк бунёдкорларга айлантириши, шубҳасиз.

Ҳаёт ҚОДИРОВ,
Касбий таълимни ривожлантириш институти директори.

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

Европаликларни лол қилган ансамбль

Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилояти бўлинмаси қошидаги “Бухорча” ашула ва рақс ансамблининг Европа бўйлаб гастроль сафари кўҳна қитъадаги Шарқ санъати ихлосмандларида унутилмас таассурот уйғотди. Жамоа Словения ҳамда Хорватия давлатларида бўлиб, махсус тайёрланган концерт дастурини намойиш этди.

— Санъат халқларни бир-бирига яқинлаштиради, қалбларга эзгулик улашади, яхшиликка даъват қилади, — дейди филармония вилоят бўлинмаси директори Рауф Авезов. — Хорижий сафарга энг сара куй-қўшиқларни тайёрлаб бордик. Қанча фахрлансак арзийди: миллий санъатимиз жуда жозибадор. Буни ҳар бир чиқишимизни европаликлар олқишлар билан қарши олишганидан ҳам билса бўлади. Биз бой маданий меросимизни халқаро майдонда яна бир бор намойиш этганимиздан мамнунмиз.

Айтиш ўринлики, мазкур ансамбль жамоаси халқимизнинг бебаҳо санъатини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш борасида муайян тажриба тўплаган. Чунончи, ўтган йилнинг сентябрида ансамбль аъзолари Австрия пойтахти Вена шаҳрида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган тадбирда ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этган эди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Инфрақизил нур хосияти

Сирдарё вилоятида баҳорги экиш мавсумида уруғлик картошка инфрақизил нурлар ёрдамида ишловдан ўтказилди. Ушбу инновацион агротехнологик усул уруғлик тугунакларидаги физиологик жараённи жадаллаштиради, крахмалларни энергияга айлантириб, ниҳоллар эрта ва бир текис унишини таъминлайди.

— Уруғликлар экиш олдидан 4 — 6 соат давомида инфрақизил нурлар билан ишловдан ўтказилади, — дейди Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси Музаффар Эргашев. — Бу жараён кетмакет 3 — 5 кун такрорланади. Экилган уруғликнинг унувчанлиги тезлашиши туфайли ҳосилнинг етилиш муддати 15 — 20 кунга қисқаради. Албатта, ҳосилдорлик ҳам ошади.

Айтиш лозимки, уруғликнинг унувчанлигини тезлаштириш борасидаги агротехнологик усул катта харажат талаб қилмайди. Яъни у оддий қизил лампалар орқали бажарилади.

Маълум қилинишича, инфрақизил нурлар қўлланиши туфайли айни пайтда вилоятдаги картошка майдонларидан гектаридан 250 — 300 центнердан ҳосил олиняпти. Баъзи майдонларда эса бу кўрсаткич 350 центнергача етиши кутилаётир. Жорий йилда яна 5 минг гектар ғалладан ва эртаги экинлардан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида картошка экиш мўлжалланган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ташаббуснинг тотли меваси

Марҳамат туманидаги Ўқчи маҳалласида “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилги 1-мавсумида ғолиб деб топилган лойиҳа доирасида ички йўлларга асфальт қопламаси ётқизишга киришилди. Шу мақсадда 1 млрд. 648 млн. сўм йўналтирилган бўлиб, бу транспорт ҳаракати ва аҳоли учун қулайликни таъминлашга қаратилган.

— Ушбу лойиҳа маҳалла аҳлининг ташаббуси ва фаол иштироки натижасида амалга оширилмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Иброҳимжон Жумабоев. — Йўллар асфальтланиши орқали пиёдалар ва автотранспорт воситалари ҳаракати учун янада хавфсиз ва қулай шароит яратилади. Айниқса, ёмғирли кунларда.

Ички йўлларнинг асфальт қилиниши “Ташаббусли бюджет” тизими фуқаролар манфаатини таъминлашда самарали механизмга айланганини яна бир бор тасдиқлайди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЗАМОНАВИЙ ЗАРГАРЛИК МАРКАЗИ

Хоразм вилоятида фаолиятини бошлаган заргарлик маркази илғор технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, унда қимматбаҳо металлар ва тошларга ишлов бериш, миллий ва замонавий услубдаги заргарлик буюмларини тайёрлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Янги марказда ёш усталарни касбга ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, амалий тажрибасини бойитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳунармандчилик

— 2020 йилда Хоразм вилоятида заргарлик маҳсулотларини тайёрловчи атиги 5 та ишлаб чиқарувчи мавжуд бўлган, чакана савдо билан шуғулланувчи бирорта тадбиркор рўйхатдан ўтмаган, — дейди “Ўзбекзаргарсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Мираҳмедов. — Бугунги кунда ушбу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони 155 тани ташкил қилади. Уларнинг 48 таси ишлаб чиқарувчилар, 107 таси чакана савдо билан шуғулланувчи ҳисобланади. Заргарлик марказида 40 та иш ўрни ташкил қилиниб, соҳада фаолият олиб бораётган ҳунармандлар учун қулай имкониятлар яратилди.

Эътиборлиси, заргарлар зарур хомашёни марказнинг ўзидан сотиб олиб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга етказиб бериши мумкин. Миллий нақш ва безаклар уйғунлигидаги заргарлик буюмлари хорижлик сайёҳлар учун ҳам жозибадор совға сифатида таклиф этилади. Шу билан бирга, заргарлик соҳасида инновацион ёндашувларни жорий қилиш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш белгиланган.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

«ТОВУЛ» — ОРОМБАХШ МАСКАН

“Товул” болалар соғломлаштириш оромгоҳи Бешариқ туманининг гўзал ва сўлим масканида жойлашган. Бу йилги ёзги таътилда оромгоҳда 600 нафар бола ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган. Мавсум тайёргарлиги доирасида 270 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди. Оромгоҳни замонавий жиҳозлаш учун 640 млн. сўм ажратилди.

Ёзги таътил

— Кейинги йилларда ёзги таътилни ушбу манзилда ўтказиш истагида бўлганлар сафи тобора ортиб бормоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Хуршиджон Исматуллаев. — Белгиланган режага кўра, жорий йилги 3, 4, 5-мавсумда ижтимоий реестрларга киритилган оилаларнинг 360 нафар фарзандининг имтиёзли равишда дам олишини таъминлаш кўзда тутилган.

Бу ерда ҳар мавсумда 21 нафар педагог, шунингдек, тиббиёт, фавқулодда вазиятлар, ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш хизмати мутахассислари ҳамда спорт мураббийи фаолият олиб боради.

Бош тарбиячи Жамолиддин Полвоновнинг қайд этишича, оромгоҳда ҳар бир кун учун алоҳида машғулотлар режаси ишлаб чиқилган. Сузиш ҳавзаси, концерт зали, сайёр кутубхона, кулолчилик ва робототехника марказлари болажонлар ихтиёрида.

— Ҳар йили ёзги таътилда бу ердан унутилмас таассуротлар билан қайтаман, — дейди Муштарийбону Шодмонова. — Бу йил рус тили тўгарагига қатнашяпман. Орзуим келажакда шифокор бўлиш. Шу боис “Ёввойи табиат бағрида яшаб қолиш” мавзуида ўтказилган қизиқарли ўйинда қийин аҳволда қолганларга тиббий хизмат кўрсатдим.

Тарбиячи Мадина Салоҳиддинованинг рақс тўгараги ва қўғирчоқ театрига 30 нафардан зиёд ўғил-қизлар аъзо. Яқин кунларда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Фарғона вилояти бошқармаси масъуллари мазкур қўғирчоқ театри учун барча керакли жиҳозларни сотиб олишга тўлиқ маблағ ўтказиб берадиган бўлишди.

— Оромгоҳда турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди ўқувчилардан бири Ҳадятилло Ҳабибуллаев. — Математика ва футболга қизиққаним сабабли ушбу машғулотларни асло ўтказиб юбормайман. Вақт топиб IT тўгарагига ҳам қатнашиш ҳаракатидаман.

Эътиборлиси, ҳунармандчилик ва кулолчилик тўгараклари аъзолари мураббийлар кўмагида севимли эртак қаҳрамонлари тимсолида тайёрлаган маҳсулотлари орқали оромгоҳ ҳудуди янада чиройли бўлиши учун ҳисса қўшмоқда. Болажонлар томонидан тайёрланган орзудаги шаҳарча эса ниҳоятда ҳайратланарли. Табиий қум тўшамаси нафақат амалий машғулот майдони, балки шифобахш қум ваннаси ҳамдир.

Товул қишлоғининг осмонўпар чинорлари, зилол сувли ариқлари, соя-салқин табиати бағрида жойлашган ушбу маскан болаларга унутилмас лаҳзаларни ҳадя этмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Тошкент давлат аграр университети ва Хитойнинг Далиян университети билан ҳамкорликда 2027/2028 ўқув йилидан балиқчилик ва аквакультура бўйича қўшма факультет очилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер килинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6